

Иккинчи вариантида бош поянинг баландлиги 79,5 см., бошоқнинг узунлиги 7.8 см., бир бошоқдаги донлар сони 33.2 дона, ва 1000 дона доннинг массаси 34.8 г.ни ташкил қилди.

Учинчи вариантида бош поянинг баландлиги 85,3 см., бошоқнинг узунлиги 7.9 см., бир бошоқдаги донлар сони 34.6 дона, ва 1000 дона доннинг массаси 35.7 г.ни ташкил қилди.

Тўртинчи вариантида бош поянинг баландлиги 92,7 см., бошоқнинг узунлиги 8.6 см., бир бошоқдаги донлар сони 39.5 дона, ва 1000 дона доннинг массаси 40.3 г.ни ташкил қилди.

Ушбу кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижа тўртинчи вариантда, яъни кузги буғдойни ғўза қатор орасига махсус сеялкаларда экиш усулида олинди. Тажибада энг ёмон ёки ушбу кўрсаткичлар бўйича паст натижа 2-вариантда, яъни кузги буғдойни такрорий экиндан бўшаган далага минимал ишлов бериб экиш усулида олинди.

Олинган натижалар асосида қуйидагиларни хулоса ўрнида

таъкидлаб ўтмоқликни лозим топдик:

Ўза қатор орасига кузги буғдой экиш учун ер тайёрлашда культиватор билан ишлов берилганда йирик кесаклар ҳосил бўлиши ҳисобига намликни буғлаиш жараёни жадал кечиб, тупроқда намлик дефицити ҳисобига тўлиқ қўчат олишга эришиб бўлмайди.

Тадқиқот, тажиба ва кузатувлар натижалари ғўза қатор ораларига экиладиган кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш учун тупроқ намлиги, ишлов бериш сифати, қатор орасининг ҳолати муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиш ўта муҳим ҳисобланади.

Республиканинг маҳаллий тупроқ шароитларида ерларни кузги буғдой экишга тайёрлаш тадбирларини сифатли бўлиши учун диаметри 25 мм дан кичик тупроқ фракцияларнинг камида 80 % бўлишига эришиш агротехник тадбирлар ичида энг муҳим ва юқори ҳосил олишнинг гаровидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азизов Б.М. «Урожайность и посевные качества озимой пшеницы при разных нормах посева» Т., «Агроилм журналы», 2009. - № 4. - с. 13-15.
2. Игамбердиев А.К., Ўза қатор ораларига кузги буғдой экишни механизациялаштиришнинг илмий-техникавий ечими Ж.Ирригация ва мелиорация. 2019й. №4 (18).
3. Узоков Й.Ф., Узоков У.Й. «Сара уруғ мўл ҳосил гарови» «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журналы». 2001. №1, - 49-51 б.
4. Сиддиқов. Р. Кузги ғалла экишга ер тайёрлаш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы Т.: 2014 й. №8. 8-9 б.
5. Тўхташев Б.Ш.Ахмурзаев Тупроққа ишлов беришнинг минимал усули ва унинг аҳамияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент 2015 й.
6. Тўрақулов, А. Қўрбонбоев, Р. Сиддиқов «Сифатли экиш ва тўлиқ ниҳол олиш мўл ғалла ҳосили гаровидир»// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы, №10.2013 йил, 5-6 бетлар.
7. Худайкулов Ж. Б., Атабаева Х.Н., Анорбаев А.К. «Буғдой етиштириш». Тошкент. «Агробанк» АТБ – 2021.37-51б.
8. Эргашев И., Нурмухамедов Б., Хаитов Т. Буғдойни ғўза қатор ораларига қаторлаб экиш // AGROILM журналы – Тошкент, 2011. – №4. – Б.28-29.

УЎТ: 632+954

БУҒДОЙ ДАЛАЛАРИДАГИ БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ЗАРЛАНТИС ГЕРБИЦИДИНИ ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шодманов Махкам, доцент,
Кудратов Хойитжон Асат ўғли, магистр,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Зарлантис 3,6 с.э.г. гербицидини қўллашнинг бегона ўтларга, буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Зарлантис гербициди 300 ва 350 г/га меъёрларда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни мос равишда 86,5-89,6 ва 88,5-91,2 % йўқотган. Зарлантис гербициди бир паллали ва икки паллали бир йиллик бегона ўтларга бир хил самарали таъсир этган.

Зарлантис гербициди 300 ва 350 г/га меъёрларда ишлатилган вариантларда назорат вариантыга нисбатан 10,2 ва 11,0 ц/га кўп буғдой дон ҳосили олинган.

Калит сўзлар: гербицид, Зарлантис, бир йиллик бегона ўтлар, кўп йиллик бегона ўтлар, г/га, дона/м², дон ҳосилдорлиги.

Аннотация. В статье приводятся сведения о влиянии применения гербицида Зарлантис 3,6 в.р.г. на однолетние сорные растения, рост, развитие и урожайность пшеницы в условиях типичных сероземов Ташкентской области.

Гербицид Зарлантис в дозах 300 и 350 г/га снижал количество однолетних сорняков на 86,5-89,6 и 88,5-91,2 % соответственно. На вариантах с применением гербицида Зарлантис в нормах 300 и 350 г/га получено на 10,2 и 11,0 т/га больше урожая зерна пшеницы по сравнению с контрольным вариантом.

Ключевые слова: гербицид, Зарлантис, однолетние сорняки, многолетние сорняки, г/га, шт/м², урожайность пшеницы.

Annotation. The article provides information on the effect of the use of the herbicide Zarlantis 3,6 w.s.g. on annual weeds, growth, development and yield of wheat in conditions of typical gray soils of the Tashkent region.

Herbicide Zarlantis at doses of 300 and 350 g/ha reduced the number of annual weeds by 86.5-89.6 and 88.5-91.2%, respectively. In the options with the use of Zarlantis herbicide at the rate of 300 and 350 g/ha, 10.2 and 11.0 t/ha more wheat grain yield was obtained compared to the control option.

Key words: herbicide, Zarlantis, annual weeds, perennial weeds, g/ha, pcs/m², wheat yield.

Кириш. Тошкент областининг суғориладиган ерлариди бугдой далаларида бир йиллик бегона ўтлардан олабута (*Chenopodium album*), ёввойи сули (*Avena fatua* L., юлдуз ўт (*Stellaria media* L.), жағ-жағ (*Capsella bursa-pastoris* Mede), ёпишқоқ ўт (*Galium aparine*), лолакизғалдоқ (*P. pavoninum* Schrenk), кўп йилликлардан ғумай (*Sorghum halepense* L. Brot.), ажриқ (*Cynodon dactylon* L.), қўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.) каби ўсимликлар кўп ўсади. Улар тупроқдан озик элементлари ва сувни ўзлаштириб ҳосил миқдорини ҳамда сифатини сезиларли даражада пасайтириб юборади [3,4]

Кучсиз ифлосланган далаларда бегона ўтлар ҳосилдорлики сезиларли туширмаслиги ҳам мумкин. Лекин далаларда мавжуд бўлган кам сондаги бегона ўтларнинг уруғлаши ва бу уруғларни тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Бугдой далаларининг фитосанитар ҳолатини барқарор яхши ҳолатда ушлаб туришда бегона ўтларни тарқалишини олдини олувчи агротехник ва кимёвий кураш чораларини биргаликда олиб бориш керак бўлади. Бир далада бир гербицидни сурункасига ҳар йили қўллаш шу препаратга чидамли бўлган бегона ўтлар сонини йилдан йилга кўпайиб боришига олиб келади [2,7,8,9]. Буни олдини олиш учун таъсир доираси ҳар хил бўлган гербицидларни навбатлаб қўллаш, яъни уларнинг ассортименти янгилаб туриш лозим. Шу нуқтаи назардан олганда янги гербицидларнинг қулай меъёрини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш муҳим ҳисобланади.

Тажриба ўтказишдан қўйилган мақсад. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бугдой далаларини бегона ўтлар билан ифлосланишини ҳисобга олган ҳолда бир йиллик бегона ўтларга қарши Зарлантис гербицидини қўллашнинг қулай меъёрини аниқлаш; Зарлантис гербицидини қўллашнинг бегона ўтларнинг турларига таъсирини ўрганиш; Зарлантис гербицидини қўллашнинг бугдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

1-жадвал.

Тажриба схемаси

Вариант рақами	Вариант	Гербицид меъёри, г/га
1.	Назорат (гербицидсиз)	-
2.	Гранстар, 75 % с.д.г.(эталон)	15 г/га
3.	Зарлантис, 3,6 с.э.г.	200 г/га
4.	Зарлантис, 3,6 с.э.г	250 г/га
5.	Зарлантис, 3,6 с.э.г	300 г/га
6.	Зарлантис, 3,6 с.э.г	350 г/га

Тадқиқотни ўтказиш жойи ва услуби. Дала тажрибаси 2021-2023 йилларда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бугдой даласида ўтказилди. Дала тажрибасини қўйиш, кузатишлар, ҳисоб ва таҳлилларни қилишда Б.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» [1] ва ЎЗПИТИда ишлаб чиқилган «Дала тажрибалари услуби-

ятидан фойдаланилди [2]. Тупроқ ва ўсимлик намуналарини таҳлил қилишда қабул қилинган методикалардан фойдаланилди.

Зарлантис гербициди март ойининг учинчи ўн кунлигида қўлда сепгич аппарат ёрдамида ёппасига сепилди, сув сарфи 600 л/га. Бугдойнинг «Таня» нави 2 октябрда экилган.

Тадқиқот натижалари. Биринчи ҳисоб даврида назорат вариантыда 1 м² ерда 18,2 дона олабута, 6,75 дона ёввойи сули, 3,25 дона жағ-жағ 3,20 дона, юлдуз ўт, 1,2 дона қўйпечак ва ғумай борлиги аниқланди (2-жадвал). Гранстар гербициди 15 г/га меъёрида қўлланилган вариантда олабута сони 2,50 дона/м², ёввойи сули 1,0 дона, жағ-жағ 0,50 дона, юлдуз ўт 0,50 дона ташкил этди. Зарлантис гербициди 200 г/га меъёрида қўлланилганда олабута сони 3,75 дона/м², ёввойи сули 1,50 дона, жағ-жағ 0,75 дона, юлдуз ўт 0,50 донага тенг бўлди. Бу гербицид 300 г/га меъёрида ишлатилганда олабута 1,80 дона/м², ёввойи сули 0,80 дона, жағ-жағ 0,35 дона, юлдуз ўт 0,30 дона/м² бўлганлиги ҳисобга олинди. Зарлантис гербициди 350 г/га меъёрида қўлланилганда самарадорлик бешинчи вариантга нисбатан бироз юқори бўлди. Бу ерда олабута 1,50 дона/м², ёввойи сули 0,70 дона, жағ-жағ 0,30 дона, юлдуз ўт 0,25 дона/м² га тенг бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотлар Зарлантис гербициди бир йиллик бегона ўтларнинг барча турларига самарали таъсир этишини кўрсатди. Биринчи ҳисоб даврида назорат вариантыда бир йиллик бегона ўтлар сони 31,4 дона/м² га тенг бўлди. Гранстар гербициди 15 г/га меъёрида қўлланилган вариантда бегона ўтлар сони 4,50 дона/м² ни ташкил этган. Зарлантис гербициди 200 г/га меъёрида қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтлар сони 6,50 дона/м², 250,0 г/га меъёрида қўлланилганда 4,25 дона/м², 300,0 г/га меъёрида 3,25 дона/м², 350 г/га меъёрида 2,75 дона/м² га тенг бўлган.

Тажриба вариантлар орасидаги самарадорлик бўйича фарқ кейинги ҳисоб даврида ҳам сақланиб қолди. Иккинчи ҳисоб даврида назорат вариантыда бегона ўтлар сони сезиларли даражада кўпайганлиги, 1 м² ерда 23,0 дона олабута, 8,50 дона ёввойи сули, 4,50 дона жағ-жағ, 3,0 дона юлдуз ўт борлиги аниқланди (3-жадвал). Гранстар гербициди 15 г/га меъёрида қўлланилган вариантда олабута сони 3,80 дона/м², ёввойи сули 1,50 дона, жағ-жағ 0,75 дона, юлдуз ўт 0,50 дона ташкил этди. Зарлантис гербициди 200 г/га меъёрида қўлланилган вариантда олабута сони 5,25 дона/м², ёввойи сули 1,80 дона, жағ-жағ 1,0 дона, юлдуз ўт 0,70 дона ташкил этди. Бу гербицид 300 г/га меъёрида ишлатилганда олабута 3,25 дона/м², ёввойи сули 1,25 дона, жағ-жағ 0,50 дона, юлдуз ўт 0,30 дона/м² бўлганлиги ҳисобга олинди. Зарлантис гербициди 350 г/га меъёрида қўлланилганда олабута 2,70 дона/м², ёввойи сули 1,20 дона, жағ-жағ 0,35 дона, юлдуз ўт 0,25 дона/м² га тенг бўлган.

Гранстар гербицидини 15 г/га меъёрида қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни 83,3-85,7 %, кўп йиллик бегона ўтларни 12,0 – 13,4 % йўқотишни таъминлаган (4-жадвал).

Гербицидларнинг бегона ўтлар турлари сонига таъсири, 1-ҳисоб (2022 й.)

№	Бир йиллик бегона ўтлар, дона/м ²					Кўп йиллик бегона ўтлар, дона/м ²		
	олабута	ёввойи сули	жағ-жағ	юлдузўт	жами	қўйпечак	ғумай	жами
1.	18,2	6,75	3,25	3,20	31,4	2,00	1,25	3,25
2.	2,50	1,00	0,50	0,50	4,50	1,75	1,00	2,75
3.	3,75	1,50	0,75	0,50	6,50	1,80	1,10	2,90
4.	2,50	1,00	0,40	0,35	4,25	1,75	1,05	2,80
5.	1,80	0,80	0,35	0,30	3,25	1,60	1,00	2,60
6.	1,50	0,70	0,30	0,25	2,75	1,50	1,00	2,50

Гербицидларнинг бегона ўтлар турлари сонига таъсири, 2-ҳисоб (2022 й.)

Вариант рақами	Бир йиллик бегона ўтлар, дона/м ²					Кўп йиллик бегона ўтлар дона/м ²		
	олабута	ёввойи сули	жағ-жағ	юлдузўт	жами	қўйпечак	ғумай	жами
1.	23,0	8,50	4,50	3,00	39,0	2,25	1,50	3,75
2.	3,80	1,50	0,75	0,50	6,50	2,00	1,30	3,30
3.	5,25	1,80	1,00	0,70	8,75	2,15	1,25	3,40
4.	3,50	1,25	0,75	0,50	6,00	2,10	1,25	3,35
5.	3,25	1,25	0,50	0,30	5,25	2,00	1,10	3,10
6.	2,70	1,20	0,35	0,25	4,50	1,95	1,05	3,00

Гербицидларнинг бегона ўтларга таъсири

Т.р.	Бир йиллик бегона ўтлар				Кўп йиллик бегона ўтлар			
	ҳисоб		2-ҳисоб		1-ҳисоб		2-ҳисоб	
	дона/м ²	камайиши, %	дона/м ²	камайиши, %	дона/м ²	камайиши, %	дона/м ²	камайиши, %
1.	31,4	0,0	39,0	0,0	3,25	0,0	3,75	0,0
2.	4,50	85,7	6,50	83,3	2,75	13,4	3,30	12,0
3.	6,50	79,3	8,75	77,6	2,90	10,8	3,40	9,33
4.	4,25	86,5	6,00	84,6	2,80	13,8	3,35	10,7
5.	3,25	89,6	5,25	86,5	2,60	20,0	3,10	17,3
6.	2,75	91,2	4,50	88,5	2,50	23,1	3,00	20,0

Зарлантис гербицидини 300 г/га меъёрда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни 86,5-89,6 %, кўп йиллик бегона ўтларни 17,3 – 20,0 % йўқотилишига эришилган. Бу препарат 350 г/га меъёрда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни 88,5-91,2 %, кўп йиллик бегона ўтларни 20,3 – 23,1 % йўқотилган, яъни самарадорлик бешинчи вариантга нисбатан бироз юқори бўлган.

Назорат ва тажриба вариантларида ўсимликларнинг кўчат қалинлиги бўйича деярли фарқ кузатилмади. Умумий ва маҳсулдор поялар сонини тажриба вариантларида бир мунча кўплигини буғдой етиштирилган далада тупроқ шароитини маълум даражада яхшиланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш далаларнинг фитосанитар ҳолатини яхшилаб буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу ҳосил миқдорини

ошиши ва сифатини яхшилланишини таъминлайди. Зарлантис гербициди 250 г/га меъёрда қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 9,0 ц/га, 300 г/га меъёрда ишлатилганда 10,2 ц/га, 350 г/га меъёрда ишлатилганда 11,0 ц/га кўп буғдой ҳосили олинган.

Хулосалар

1. Зарлантис гербициди 300,0 г/га меъёрда қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтларни 86,5-89,6 %, кўп йиллик бегона ўтларни 17,3 – 20,0 % йўқотишни таъминлаган. Бу гербицид 350,0 г/га меъёрда қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтларни 88,5-91,2 %, кўп йиллик бегона ўтларни 20,0 – 23,1 % йўқотишни таъминлайди.

2. Зарлантис гербициди 300,0 г/га меъёрда қўлланилган вариантда назорат вариантыга нисбатан 10,2 ц/га, 350 г/га меъёрда қўлланилганда 11,0 ц/га кўп дон ҳосили олинган.

АДАБИЁТЛАР:

- Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.:Агропромиздат 1985. с.230-240.
- Нурматов Ш. ва бошқ. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Т. 2007. 6. 1-146.
- Makhkam Shodmanov1, *and Ozoda Mustafioeva. Effectiveness of successful application of herbicides 'Chemical Glyphosate' and 'Himstop' 330 against annual and perennial weeds in cotton fields of Uzbekistan. E3S Web of Conferences 244, 02011 (2021) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202124402011>. EMMFT-2020
- Makhkam Shodmanov. EFFICIENCY OF APPLICATION OF A COMBINATION OF HERBICIDES AGAINST WEEDS IN COTTON CROPS. Ann. For. Res. 65(1): 10741-10750, 2022 ISSN: 18448135, 20652445 ANNALS OF FOREST RESEARCH <https://www.e-afr.org/> © ICAS December 2022.

ПАХТАНИ ҒАРАМДА САҚЛАШ ЖАРАЁНИНИ ЙИГИРУВ ЖАРАЁНИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Абдуназаров Рамазон Азимжон ўғли, магистрант,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро-6 селекция навли пахтани ғарамламасдан, ҳамда ғарамнинг юқори, ўрта ва пастки қатламларидан лаборатория шароитида ажратиб олинган толадан кичик ўлчамли “Шерли” лаборатория йиғирув қурилмасида олинган ип сифат кўрсаткичлари аниқланган.

Аннотация. В данной статье приводятся исследования механические свойств пряжи в лабораторных условиях, выработанной на малой прядильной установке “Шерли” из волокон после очистки. Образцы хлопка-сырца районированного в настоящее время селекционного сорта Бухара-6 были отобраны из верхнего, среднего и нижнего слоев бунта.

Annotation. In this article, the quality of the yarn obtained from the small-sized laboratory spinning unit “Sherli” was isolated in the laboratory conditions from the Bukhara-6 breeder variety, as well as from the upper, middle and bottom layers.

Тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қолаверса, пахта толасининг чизиқий зичлиги Республика ва Европа давлатларининг стандартларида тех бирлигида ифодаланиб, тола узунлиги ва типига қараб баҳоланади.

Замонавий стандартларга асосан узун толали пахта I-III типларга, ўрта толали пахта эса IV-VII типларга бўлинади, яъни толанинг чизиқий зичлиги типнинг ўсиб бориш тартибига қараб ўсади, узунлик эса аксинча бўлиб камайиб боради. Агар тола чизиқий зичлиги ёки узунлиги бўйича чегарадан чиқадиган бўлса, унда пастки типларга ўтиб кетади, натижада ипнинг йиғирувчанлик имкониятини камайтиради ва сифатсиз тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. (1)

Пахта толаси чизиқий зичлигини аниқлаш етарли даражада мураккаб. Шу сабабли, Америка толани сертификатлаштириш тизими микронейр кўрсаткичини киритди, унда параллел толалар гуруҳидан ҳавонинг сарфланиш миқдорига қараб аниқланади. Ҳавонинг қаршилиги толанинг кўндаланг кесимига пропорционалдир. (2)

Тола ранги Америка USDA HVI стандарти бўйича Rd (%) ва сарғишлик (B+) даражаси бўйича характерланади. Пахта толаси ранги ҳар доим юқори талаблардан бири ҳисобланиб келинган. Шу сабабли, мамлакат пахта тозалаш корхоналарида чигитли пахта толасини қабул қилиш фақат кундуз кунлари амалга оширилиб, лаборантлар тола рангини субъектив, классёр услуги ва махсус намуналарга солиштирган ҳолда аниқлайди.

Бизга маълумки, пахта толасини чигитдан ажратиш технологик жараёни амалга оширилгунга қадар, маълум вақт

ғарамларда сақланади. Вақт ўтиши билан ғарамнинг турли қатламларида сақланаётган толанинг сифат кўрсаткичлари қабул қилинган вақтдаги дастлабки кўрсаткичларидан фарқ қилади. Пахта толасининг ранги сарғайиши натижасида унинг мустаҳкамлиги, солиштирма узилиш кучи, штапел масса узунлиги камаёди, калта толалар миқдори ва толанинг механик шикастланиши ортиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, бу кўрсаткичлар ип йиғириш жараёни технологик ўтимларида ҳам йиғирув маҳсулотларининг физик-механик хоссалари ва йиғирилувчанлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Бухоро-6 селекция навли пахтани ғарамламасдан, ҳамда ғарамнинг юқори, ўрта ва пастки қатламларидан лаборатория шароитида ажратиб олинган толадан кичик ўлчамли “Шерли” лаборатория йиғирув қурилмасида олинган ип сифат кўрсаткичлари аниқланди. Ип йиғириш ўтимлари технологик жараёнларида йиғирув маҳсулотларининг физик-механик хоссалари замонавий HVI 900 SA тизимида аниқланди ва олинган синов натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Олинган тадқиқот натижалари таҳлилини қиладиган бўлсак, ғарамланмаган пахтадан ип олиш жараёнида толанинг микронейр кўрсаткичи 4,21 ни, солиштирма узилиш кучи 36,2 gk/teks ни, ўрта узунлик 26,02 dm ни, юқори ўртача узунлиги 30,46 dm ни, узунлик бўйича бирхиллик индекси 85,7% ни, калта толалар индекси 3,8 ни, узилишдаги узайиши 18,2% ни, ғарамнинг юқори қатламидаги пахтадан ип олиш жараёнида толанинг микронейр кўрсаткичи 4,19 ни, солиш-

1-жадвал.

Йиғирув жараёни маҳсулотлари сифат кўрсаткичларининг ўзгариши

Ғарам қатламлари	Mic МикроНейр	Str Солиш тирма узилиш кучи, cH/текс	Len1 ўртача узунлик, дюйм	Len2 юқори ўртача узунлик, дюйм	Unf Узунлик бўйича бирхиллик индекси, %	SFI Калта толалар индекси	Elg Узилиш даги узайиш, %
Ғарамланмаган ҳолда	4,21	36,2	26,02	30,46	85,7	3,8	18,2
Ғарамнинг юқори қисми	4,19	35,28	25,82	30,11	87,3	4,3	16,8
Ғарамнинг ўрта қисми	4,05	35,11	25,69	29,85	86,2	5,9	16,9
Ғарамнинг пастки қисми	4,20	34,13	25,78	29,61	85,2	7,1	16,9